

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» сotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 3 (1015) • 2015-йил, 17-январ, шанба

2015 йилда иқтисодий ҳисобидан туъ таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш — УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Вазирлар Маҳкамасининг бугунги кенгайтирилган мажлиси кун тартибига қўйилган асосий масала — бу Ўзбекистоннинг ўтган 2014 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларини муҳокама этиш ва мамлакатимизнинг 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини тасдиқлаб олишдан иборат.

Ўтган йил якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, биринчи навбатда, иқтисодий ҳисобидан ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш борасида барқарор юқори ўсиш суръатларига эришганимизни таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилда 9,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, но-оziқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ўсди. Инфляция даражаси йил якунлари бўйича 6,1 фоизни ташкил этди. Бу прогноз кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада пастдир.

Ўтган йили солиқ юки 20,5 фоиздан 20 фоизга, даромад солиғи ставкаси эса 9 фоиздан 8 фоизга камайтирилган бўлса-да, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажарилди.

Банк тизимидаги ислохотлар иқтисодий ҳисобидан барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлди. Бунинг натижасида тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга ошди. Банк тизимининг мустаҳкамланиши 2014 йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга, тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоиз

ставкасини ҳам шунга мос равишда камайтириш учун зарур имкониятлар туғдирди.

Банклар томонидан фақат ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган кредитлар ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,2 баробар, айланма маблағларни тўлдирish учун ажратилган кредитлар эса 1,3 мартадан зиёд ошди.

Сўнгги йиллар давомида «Мудис», «Стандарт энд Пурс» ва «Фитч рейтингс» каби етакчи рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини «барқарор» деб баҳоламоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, агар 2011 йилда мамлакатимизнинг 13 та тижорат банки юқори рейтинг баҳоларига сазовор бўлган бўлса, бугунги кунда республикамизнинг барча 26 та банки ана шундай баҳога лойиқ кўрилди.

Ўтган 2014 йилда 500 дан зиёд янги корхона, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятига жалб этилди. Ташқи савдо балансидаги ижобий сальдо 180 миллион долларни ташкил қилди, мамлакатимизнинг олтин-валюта захиралари 1 миллиард 600 миллион долларга кўпайди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида махсус ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг роли бу борада тобора ошиб бормоқда.

2014 йилда мазкур Жамғарма томонидан 2 минг 400 та тадбиркорлик субъектига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатилди. Жамғарма кўмағида тадбиркорлик субъектлари томонидан 1 миллиард 250 миллион доллар миқдоридagi экспорт шартномалари тузилди. Мазкур шартномалар асосида ўтган йили қиймати 840 миллион доллардан зиёд товарлар экспорт қилинди.

Жамғарма томонидан тадбиркорларга ташқи бозорларни ўрганиш ва чет эллик шерикларни топиш,

халқаро тендер савдоларида иштирок этиш, шунингдек, экспорт шартномаларини тузиш, халқаро сертификатлар, рухсат беришга оид ҳужжатларни олиш ва боғжона расмийлаштируви бўйича фаол ёрдам берилмоқда.

Шу борада ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини янада қулай шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини барчамиз албатта яхши тушунамиз.

Мулкни рўйхатга олиш, ер участкалари ажратиш, айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун лицензия олиш, қурилишга рухсат бериш ва электр таъминоти тармоқларига улашишда «ягона дарча» тамойилини амалиётга жорий этиш тобора кенгайиб бормоқда.

Кичик бизнес субъектлари томонидан статистик ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш механизмлари сезиларли даражада соддалаштирилди. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 98 фоизи солиқ ва статистика ҳисоботлари топширишни, боғжона декларацияларини расмийлаштиришни эски усулдаги қоғоз тўлдирish йўли билан эмас, балки бевосита — электрон шаклда амалга оширмоқда.

Саноатнинг энгил, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларида ишчиларнинг энг кўп сони илгариги 100 кишидан 200 кишигача оширилгани кичик бизнесни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлар тизимидаги муҳим қарор бўлди.

2014 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 триллион сўмдан ортқ ёки 2013 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп, шу жумладан, 2 триллион сўмга яқин миқдордаги микрокредитлар ажратилди. Бу ўтган йилга қараганда 39 фоиз кўпдир. Сўнгги беш йилда кичик бизнесни кредитлаш ҳажми қарийб 5 баробар кўпайди.

Давоми 2-3-4-бетларда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ Тўғрисида АХБОРОТ

16 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбарининг нутқида давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирига, жаҳон иқтисодий ҳисобидан ўсиш суръатлари секинлашганлигига ҳамда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида стагнация ва рецессия жараёнлари чуқурлашганлигига қарамай, Ўзбекистонда 2014 йилги иқтисо-

дий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари аниқ мақсадни кўзлаб ва тизимли амалга оширилиши натижасида иқтисодий ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришнинг барқарор юқори суръатларига эришилганлиги қайд этилди.

2014 йил якунлари бўйича мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми — 8,3 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши ҳажми —

6,9 фоизга, капитал қурилиш ҳажми — 10,9 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми — 14,3 фоизга ўсди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшилган қийматли тайёр товарлар ташкил этди.

Инфляция даражаси 6,1 фоизни ташкил этди, бу прогнозидан анча пастдир. Давлат бюджети, солиқ юки 20,5 фоиздан 20,0 фоизга камайгани ва фойдадан олинган солиқ ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга камайгани ҳолда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этилди.

Банк тизимини қайта ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлаш 2014 йилда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга

пасайтириш ва тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз ставкасини тегишлича камайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Охириги йиллар давомида етакчи халқаро рейтинг агентликлари Ўзбекистоннинг банк тизими фаолиятини «барқарор» деб баҳоламоқда.

Ишлаб чиқариш, ижтимоий, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини кўламли модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича чуқур ўйланган фаол инвестиция сиёсати амалга оширилиши натижасида иқтисодийта инвестиция қўйиш ҳажми 10,9 фоизга ўсди ва эквивалентда 14,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.



Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг II Пленуми

Кунни кеча пойтахтимизда Ўзбекистон «Адолат» сotsial-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг II Пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Сиёсий Кенгаши, Марказий Тафтиш комиссияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия фахрийлари ва фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Пленумда дастлаб «Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги иштироки тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов комиссиясининг 2014 йил 26 декабрдаги Қарорига асосан жорий йилнинг 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов белгиланган. «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар

эгадирлар. Шунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича Марказий сайлов комиссиясининг асосий тадбирлари дастури қабул қилинган.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга муносиб иштирок этиши масаласи Пленум иштирокчилари томонидан чуқур муҳокама қилинди.

➤ Муносабат

АНИҚ МАҚСАД Йўлидаги дадил қадамлар

Йиллар йилларга, воқеалар воқеаларга, тақдирлар тақдирларга уланиб, бир-бирини тўлдириб, бири иккинчисига йўл очиб бораверади. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиб, эркин, демократик жамият қуриш, келажак авлодларга Озод ва Обод Ватан қолдиришдек улғун ният йўлига тушганидан бери орадан йигирма уч йилдан кўпроқ вақт ўтди. Шу қисқа давр ичида мустақил давлат мақомида эришган ютуқларимизни, сабр ва бардош билан энгган оғир синовларни, озодлигимизга, тинч-тотув ҳаётимизга қилинган ошқора-пинҳона тажовузларни, собиқ тузум иқтисодиёти ва мафқурасидан қолган асоратларни эсласак, бу йилларнинг ҳар куни, ҳар дақиқаси жасорат ва матонатга тўла эканига амин бўламиз, миллий истиқлол ғояларига садоқат, танлаган йўлимиздан асло қайтмаганимиз, халқимизнинг куч ва имкониятларига таяниб иш қўрганамиз, истиқлолимизнинг илк қадамларидаёқ ўз йўлимизни аниқ-равшан белгилаб олганимиз Юртбошимиз раҳбарлиги остида қўлга киритилган барча ютуқларимизнинг бош омили экани бугун барчага аён ҳақиқат.

МЕҲНАТКАШ ВА БАҒРИКЕНГ ХАЛҚҚА

фарзандлик садоқати билан хизмат қилиш барчамиз учун юксак шараф, олий саодатдир

Алишер ШОДМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:

— Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ташкилий йиғилишида мамлакатимизни янада тараққий эттириш, кенг қўламли демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, шу борада олдимизда турган энг долзарб масалалар ҳақида биз депутатларга қарата билдирган фикр-мулоҳазалари, дастурий кўрсатмалари халқ вакили сифатида сайловчилар ишончини оқлаш йўлида бошла-

ётган фаолиятимизда бизга дастуриламал бўлади.

Ташкилий йиғилишда халқимизнинг мустақилликка эришиш йўлида босиб ўтган машаққатли йўли, биз дуч келган муаммолар ва уларнинг қандай бартараф қилингани, мамлакатимиз қандай қилиб бугунгидек тараққийта эришганга яна бир бор таҳлил этилди. Қолаверса, бугун дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, кун сайин таҳликали тус олаётган таҳдидларга қарамай, Ўзбекистоннинг бугун эришган ютуқларига ҳавас билан қараётганлар кўп эканлиги эътироф этилди.

ТИНЧЛИК — бебаҳо неъмат

Бугунги кунда миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ҳарбийларимизнинг матонатли, куч-шижоати, юксак салоҳияти ҳар бир юртдошимиз қалбига ғурур ва ишонч бағишлайди, халқимизнинг жасур фарзандлари азиз Ватанимизнинг еру осмонини мустаҳкам ҳимоя этаётганига тинчликнинг ҳар дақиқасида амин бўласиз.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг II Пленуми



Давоми. Бешинчи бетдан

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш «Адолат» СДП учун мамлакат сиёсий майдонида янада чинқиш, тажриба ортириш, шу билан бирга, кўп-партиявий шароитида бошқа партиялар билан сиёсий рақобатга киришиш борасида катта мактаб вазифасини ўташи қайд этилди.

Муҳокама жараёнида Пленум иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш мақсадида тайёргарлик ишларини кучайтириш, Марказий сайлов комиссиясига белгиланган ҳужжатларни ўз вақтида тақдим қилиш, партиянинг олий органи — Курултой чакриш каби масалаларга тўхталиб ўтишди.

Муҳокамалар якунида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий мақсадларини рўйба-чикариш ҳамда ўз электорати олдига партия зиммасида турган вазифалардан келиб чиқиб, партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши мақсада мувофиқ деб топилди.

Пленумда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзоди тўғрисидаги масала ҳам иштирокчилар томонидан кизгин муҳокама қилинди. Партиядан Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Нариман Маджитович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод сифатида таклиф қилинди. Мазкур таклиф Пленумнинг барча иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Партиянинг Уставига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига партия томонидан номзод кўрсатиш партия Курултойи томонидан амалга оширилади. Ушбу муносабат билан Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг VII

Курултойи 2015 йилнинг 10 февраль куни Тошкент шаҳрида чакрилиши белгиланди.

Шунингдек, Пленум кун тартибидеги «2014 йил 21 декабрь ҳамда 2015 йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси

ҳамда ҳудудий Кенгашларга ўтказилган сайлов кампанияси натижалари тўғрисида» ги масала юзасидан Нариман Умаровнинг маърузаси тингланди.

Партия раҳбари таъкидлаганидек, 2014 йилнинг 21 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайлов ҳамда 2015 йилнинг 4 январь куни 22 та сайлов округида ташкил этилган такрорий овоз бериш жараёнлари миллий ва халқаро қонунчилик меъёрларига тўлиқ риоя этилган ҳолда, демократик тамойилларга тўла мос равишда бўлиб ўтди. Ушбу муҳим сиёсий тадбир бугунги кунда фуқароларимизнинг онги ва тафаккури, уларнинг эртанги кунга ишончи, атраф-муҳитда кечаётган жараёнларга му-



БИЗ —
ИННОВАЦИОН
ИҚТИСОДИЁТ
ТАРАФДОРИМИЗ!



Ф.ЖУРАЕВ олган суратлар

Илёс САХАТОВ,
«Adolat» муҳбири

Ўзбекистон «Адолат» СДП хабарлари

Андижон шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар марказида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб «Аскар оналарини шарафлаймиз» деб номланган форум ўтказилди. Унда ҳарбий хизматчилар, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларнинг оналари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Аскар оналарига эҳтиром



Андижон ҳарбий горнизони бошлигининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Йўлдош Холиқов, Андижон давлат университети доценти Зиёда Азимова, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Ойдиной Абдумуталибова ва бошқалар волидаи муҳтарамлар шайнига илиқ фикрлар билдирдилар. Байрам тадбири вилоятнинг таниқли санъаткорлари, ҳаваскорлар ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг катта концерт дастури билан давом этди.

— Ушбу тадбирга таклиф этилган оналар дунёдаги энг бахтли оналардир, — дейди тадбир иштирокчиси, Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти кенгаши «Аёллар қаноти» етакчиси Малоҳатхон Мусоева. — Улар тарбиялаб, воғга етказган мард ўғлонлар бугун Ватан ҳимоясидек шарафли ва масъулиятли вазифани бажармоқда. Йигитлардаги ватанпарварлик, довураклик ва жасурликни шу азиз онахонлар уларнинг қалбига солишган. Бу мўътабар инсонлар ҳар қанча эъзоз ва эҳтиромга лойиқдир. Тадбир якунида онахонлар гулдаста ва совғалар ҳадя қилинган уларга юксак эҳтиром сифатида кўнгилларни қувончга тўлдирди.

Акбар НАЗАРОВ,
Андижон вилояти

«ШУНҚОРЛАР»

спорт мусобақаси ўтказилди

Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро шаҳар кенгаши, вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб-хунар таълими ҳамда вилоят мудофиа ишлари бошқармалари билан ҳамкорликда Бухоро енгил саноат ва педагогика касб-хунар коллежида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб, «Мардлар кўриқлайди Ватани!» шиори остида коллежнинг ўқувчи-ёшларидан иборат жамоалари ўртасида «Шунқорлар» ҳарбий ватанпарварлик спорт мусобақаси ўтказилди.

— Бу каби тадбирлар ёшларни Ватанга муҳаббат, истиклол ғояларига садоқат, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади, миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш иштиқини янада кучайтиради, — дейди Бухоро енгил саноат ва педагогика касб-хунар коллежи директори, «Адолат» СДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси Д.Бозоров.

Спорт мусобақасида коллежнинг ўқувчи-ёшларидан иборат жамоалари гуруҳларга бўлинган ҳолда баҳс олиб боришди. Коллеж ўқувчилари сафда юриш, жанговор куролни берилган вақт ичида йиғиш, турникда тортилиш, масофага югуриш каби бир неча йўналишда куч синашишди.

Тадбирда эътироф этилганидек, миллий армиямиз жаҳон ҳарбий қурилишининг энг илгор тажрибаларини ўзида мужассам этган бўлиб, айна пайтда миллий жанговар аъёнларимизни юксак садоқат билан давом эттирмоқда.

Обид ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Бухоро вилояти

Ҳикмат чашмаси

Ўзбекистон «Адолат» СДП Навоий вилояти Навбахор туман кенгаши фаоллари Кексаларни эъзозлаш йилида хайрли ишларни бошлаб юборишди. Халқ депутатлари Навбахор туман Кенгаши депутати Фурқат Жамилов ташкилотчилигида тумандаги «Пахтакор» маҳалласидан 20 нафар отахонлар Нурота туманидаги «Чашма» зиёратгоҳига саёҳат қилишди.

— Кексаларга эҳтиром кўрсатиш, уларнинг кўнглини кўтариш ва ҳолидан хабар олиб, ёрдам бериш партия фаолларимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда, — дейди Ф.Жамилов. — Кекса ва ногирон кишиларга кўмаклашиш мақсадида тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳам-жихатликда ишлашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Отахону онахонлар умримиз чароғонлари, уларнинг ҳар бир доно сўзлари ҳаётимизни яшнатади. Маслаҳатлари ишларимизга унум бағишлайди, уларнинг ҳар бири бир ҳикмат чашмасига ўхшайди. Кўпни кўрган ёши улуғлар тилагидан хонадонлар ва юртимизнинг файзу баракаси зиёда бўлади.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Adolat» муҳбири

Садоқат ШАМСИЕВА,
Навоий вилояти

Партия кенгаши ва депутатлар яқдиллиги таъминланса самарали натижаларга эришилади

Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилояти кенгашининг 2015 йилдаги илк кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Шаҳар, туман партия кенгашлари, БПТлар раислари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мазкур анжуманда ҳокимиятнинг вакиллик органларига бўлиб ўтган сайлов натижаси муҳокама этилиб, сиёсий фаолият самардорлигини янада ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда таъкидланганидек, сайлов кампанияси даврида олиб борилган сиёсий тарғибот-ташвиқот, электорат билан яқин ҳамкорлик туфайли «Адолат» СДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашларидан кўрсатилган номзодлардан 101 нафари маҳаллий Кенгашларга депутатликка сайланди. Аввалги сайловда партиянинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари 43 нафардан ошмаганлигини инобатга оладиган бўлсак, 2014 йилги сайловдаги натижа сиёсий ташкилотнинг омма ўртасидаги обрў-эътибори янада ошганлигини кўрсатмоқда.

— Эндиги вазифа янги де-

путатлик корпуслари билан амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, улар ёрдамида партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини тўла таъминлашдан иборат, — деди вилоят партия кенгаши раиси М.Бобоёров. — Чунки электорат манфаати айна шундай ҳамкорликни талаб этади.

Тадбирда сўз олган депутатлар ўз сайлов участкаларидаги ижтимоий масалаларни ўрганиш, мониторинг қилиш ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари муҳокамасига олиб чиқиш бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар. Бу таклифлар асосан коллеж битирувчиларини кафолатли иш-



ўринлари билан таъминлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш, жамоат транспорти ишини яхшилаш, муқобил энергия манбаларини шахсий хонадонларда ҳам жорий этиш билан боғлиқ масалалар бўлгани

боис партиянинг дастурий ғояларига тўла мос келиши алоҳида таъкидланди.

Узаро сиёсий тажриба ўрганиш ва янги йилдаги фаолият режасини белгилаш баробарида йиғилиш иштирок-

чилари партиянинг халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбарини ҳам сайлашди.



БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Ишончли ҳамкор

Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли иқтисодийнинг барқарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда.

Албатта, ушбу жараёнда республикамизда етакчи молиявий муассасалардан бири ҳисобланган «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки ҳам фаол иштирок этмоқда.

Айни пайтда «Асака» банк томонидан инвестицион жозибадорликни ошириш, юқори ликвидлик ва барқарорликни, асосий кўрсаткичларнинг изчил ўсишини таъминлаш ва уларни жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказиш орқали рақобатбардош, ички бозор ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва хизматлар кўрсатадиган миқдорларга ҳамда хорижий ҳамкорларга сифатли банк хизматларини кўрсатиш йўлида фаол ишлар олиб боришмоқда.

«Асака» банк ташкил этилганидан бошлаб асосий эътиборни республикамизда иқтисодийнинг муҳим тармоқларини ривожлантиришга қаратилган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиб келмоқда.

«Асака» банк ташкил этилганидан бошлаб асосий эътиборни республикамизда иқтисодийнинг муҳим тармоқларини ривожлантиришга қаратиб келмоқда.

«Асака» банк ташкил этилганидан бошлаб асосий эътиборни республикамизда иқтисодийнинг муҳим тармоқларини ривожлантиришга қаратиб келмоқда.

Бузғини кунда банклар тadbirkorлар билан нафақат мижоз сифатида, балки яқин ҳамкор, ҳаммаслак сифатида ҳам мустаҳкам алоқа бўламоқда.

Маълумки, республикамизда шахарозлик юксак даражада ривожланиб бормоқда, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ва хизмат кўрсатиш муассасалари ташкил этилмоқда.

Янгиликдан эканмиз, банк маъмурияти биз кутгандан ҳам тез фурсатда зарур бўлган кредит маблағини ажратиб берди.

«Асака» банкда ҳар бир мижоз банк ходимлари томонидан кўрсатилаётган сифатли хизматларидан, айниқса, мижозларга бўлган самимий муносабатдан кўнунмаслиги мумкин эмас.

Акмал ЗИЯЕВ, «RAZATA» МЧЖ раҳбари



Навоий шаҳридаги «Измурд филиал инвест» маъсулияти чекланган жамияти «Асака» банкнинг Навоий вилоти филиали молиявий кўмагида замонавий иссиқхона барпо этган эди.

Мамлакат иқтисодийнинг янада изчил ўсиши ва мустаҳкамлини омилларида бири, бу — иқтисодий ночор ва банкрот деб эълон қилинган корхоналар фаолиятини жонлантириш, уларга молиявий кўмак бериш ва шу орқали ушбу корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Банк маблағлари банкрот корхоналар фаолиятини қайта ривожлантиришда қўл келмоқда

Иқтисодий ночор корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари Ўзбекистон банк секторининг миллий иқтисодийнинг барқарор ривожланишига қўшаётган катта ҳиссаси бўламоқда.

Сармоялар саломатлик сари йўналтирилмоқда

Эл саломатлиги юрт бойлигидир. Бу сўзлар замирида олам-олам маъно борлиги барчамизга аён. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури асосида тиббиёт, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида саморали тизим, яъни ўзига хос миллий модель яратилди.



Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилаётгани натижа-сида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг мукамал ташкилий тузилмаси шакллантирилди.

Мамлакатимизда иқтисодийнинг борча тармоқларини ривожлантириш билан бир қаторда чорвачилик ва қойта ишлаш соҳасига ҳам кенг эътибор қаратилмоқда.

Тadbirkorлар кўмакчиси

Бизнинг «RIVOJ-BARAKA» хусусий корхонамиз жамоаси ўз олдида халқимиз дастурхонини арзон эшитиш ва сўт маҳсулотлари билан тўлдирини мақсад қилиб қўйган.

Алимжон АЗИМОВ, «RIVOJ-BARAKA» ХК раҳбари

Муассис: Бош муҳаррир: Исолом ҲАМРОЕВ. Таҳрир хайъати: Диалом ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими - 288-46-54 (149); Котибиёт - 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими - 288-42-12 (146); Қабулхона - 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими - 233-41-88

«Adolat»дан кўчириб босиш тахририй руҳсати билан амалга оширилди. 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган. Тахририй манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй. info@adolatgazet.uz / adolat_gazeta@mail.ru

«Шарқ» НМАК Босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қороз бичими А-2. Ҳажми - 4 босма табоқ. Офсет усулда босилган. Буюртма Г - 100. Адади - 13930. Босишга тошириш вақти - 01.30. Босишга тоширилади - 02.50. Баҳори келишилган нарса

«БИО NUR MED SERVIS» МЧЖ раҳбари

НАШР КўРСАТКИЧИ: 100. ISSN 2074-5217. 1 2 4 5 6